



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 17 декабрь, шанба • № 100 (11.799) • Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2005 йил 16 декабрда Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 7 декабрдаги тантанали йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатмаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ-227-сон ҳамда "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сон қарорларини бажариш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплекси кўриб чиқилди.

Мажлисда Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Молия вазири (Р.Азимов), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов) ҳамда республика ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Мажлис кун тартибини муҳофаза қилишда умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва директорлари, тиббиёт ходимларининг турли тоифалари вакиллари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари ҳудудий органилари раҳбарлари фаол иштирок этидилар.

Муҳожама давомида қайд этилганидек, республикада амалга оширилётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар

тарбиячи касбининг роли ва нуфузини ошириш, уларнинг фаол касбий-ижтимоий фаолияти учун имкониятларни кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Масалан, 1 октябрда давлат байрами деб эълон қилинган. Мустақиллик йилларида 25,0 мингга яқин педагог ходим "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиси" фахрий нишони, 2900 нафардан ортиқ педагог ходим давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирланди, беш нафар ўқитувчи "Ўзбекистон Қарамони" юксак унвони берилди.

Кейинги йиллар мобайнида халқ таълими тизими ходимларининг иш қийинчиликлари бир неча марта оширилди. "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилиниши таълим соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати амалга оширилишининг, педагогик фаолиятининг, шунингдек педагог-мураббий ишининг нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш-

мол топтириш жараёнига шахсий ҳиссасини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Куйидагилар педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

иш ҳақини амалдагидан паст бўлмаган даражада сақлаб қолинишининг эҳтимоли, балки энг муҳими — унинг ўсишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини белгилашнинг ҳолис ва ошқорқа механизми мавжуд эмаслиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига ва мактаблар педагогик салоҳиятини пастайишига олиб келди.

Қабул қилинган қарорда ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга, умумтаълим муассасаларининг иқтисодий ҳолатини янада яхшироқ қилиш ва педагоглар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимининг жорий этилиши натижасида биророрта ҳам ўқитувчи ҳозир олаётган маошидан (Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро ТАДБИРКОР ЭРКИН БЎЛГАНИ САРИ

у бор иқтидорини тўлароқ намоён этади, жамиятга кўпроқ наф келтиради

Рўйи азалдан тадбирли, ишбилармон халқимиз. Ота-боболаримиз эл кезиб, юрт олиб, савдо-тижорат ишларини олиб боришган. Қўли гул қосиблар, устазодалар, хунармандларимиз тўқган шох и атлас, ясаган заргарлик ва рўзгор буюмлари етти иқлимда манзур маъқул бўлган. Миллий мустақиллик ана шу интилишлар эшигини кенг очиб юборди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Бу ҳаракатларнинг пухта ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, ўз иқтидори, салоҳиятини намоён қилишга отланган замондошларимиз учун катта имкониятлар яратилмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш дастурлари тадбиркорлик ҳаракати алоҳида жўшқинлик бағишлаётди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу жараёнларни янги босқичга кўтарди.

Юртбошимиз мана шу ҳолатларни назарда тутиб, тадбиркорлик тузилмаларининг аксарияти ишлаб чиқариш билан эмас, кўпроқ олди-сотида ва тижорат билан шуғулланиётганини таъкидлади. Биз тадбиркорлар ва ишбилармонларни санатни ривожлантиришга, маҳаллий хом ашё асосида экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тинмай изланишга йўналтиришимиз керак. Бу борада савдо-санаят палатаси олдида ҳам жуда катта вазифалар турипти. Лекин мен бу муаммонинг ҳал қилинишида шахар ва туман ҳокимлари, маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли идоралари раҳбарларини масъулиятдан асло соқит қилмоқчи эмасман. Аввало, ана шу бўғин раҳбарлари ва мутасаддилари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда тадбиркорлар улушини оширишнинг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқишлари, бу режаларни амалга ошириш учун салоҳиятли тадбиркорларни танлай билишлари ва уларни қўллаб-қувватлашлари лозим.

Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қандай бормоқда? Сўнги фармонни амалга ошириш борасида нималар қилинаётди? Унинг дастлабки ижобий самаралари қандай? «Тошкент ҳақиқати» муҳбири шу саволлар билан вилоят ҳокими, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси раиси Мирзамашрап Куччиевага муроса қилди. Қуйида ана шу сўхбатни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

— Ҳурматли Мирзамашрап Раззоқович, давлатимиз раҳбари навбатдан ташқари сессияда вилоятимизда тадбиркорлар ҳаракатини йўлга қўйиш борасидаги ишларга жиддий эътирозлар билдирди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида назорат идораларининг таъсир кучидан қандай фойдаланилаётди?

— Шу йилнинг ўзига тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, ҳўжалик юривчи субъектлар фаолияти устидан назоратни енгиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари эълон қилинди. Бу борадаги сўнги фармон шу йўлда яна бир катта қадам бўлди. Унинг қабул қилинганига ҳам икки ойдан ошиб борапти. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия томонидан фармон талабларини бажариш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Яқунланётган йилимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг имкониятлар очувчи муҳим фармон ва қарорлар эълон қилингани билан нишонланди. Маълумки, шу йилнинг 28 январда Олий Мажлис Қонуничи палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишида Президентимиз тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлар ва омиқлорлар эмин-эркин фаолият юривчи учун қўлай муҳит яратиш масалаларига алоҳида тўхталиб, уларнинг ишига беҳуда, асоссиз аралашувларни чеклаш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берган эдилар. Шу йилнинг июль-сентябрь ойлари мобайнида шу дастурий вазифани амалга оширишга йўналтирилган фармон ва қарорлар эълон қилинди. Уларда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш, аинқиса, текширишларни ташкил этиш ва амалга ошириш тизимини янги меъёрлар белгилаб берилди. Тадбиркорлар учун шундай қўламли имкони-

(Давоми 2-бетда).

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Гендер тенглиги — меҳнат қилиш, билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиш каби соҳаларда эркеклар ва хотин-қизларга тенг имкониятлар берилиши дегендир. Пойтахтимизда гендер тенглигининг асосий тамойилларига бағишланган ўқув-семинарда шу ўқув сўз борди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда вазирликлар, идоралар, жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этиди.


Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатини ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқий билиминини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётида аёлларнинг фаол иштирокни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Бу борада Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб ҳисоб қилинмоқда. Ҳужжатга мувофиқ, кўрнимизда аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, оналик ва болаликни асраб-авайлаш борасида амалга оширилётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Вилоятимизнинг электр тармоқлари корхоналарида қиш мавсумини ўтказишга қаратилган ишлар қизғин бормоқда. Жойлардаги электр тақсимлағичлар кўздан кечирилиб, аҳоли сони кўпайиб кетган ҳудудларга янги трансформаторлар ўрнатилмоқда. Яроқсиз аҳволга келиб қолган симёғочларни алмаштириш жараёнарига ҳам жиддий эътибор қаратилаётди.

ҚИШДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ



Хусусан, Бўқа туманида бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди. — 17 минг 785 истеъмолчига хизмат кўрсатамиз, — дейди туман электр тар-



шароитлар яратилмоқда. Тан олиш кераки, кейинги йилларда туман миқёсида аҳоли ва юридик мақомга эга бўлган шахсларнинг қарздорлиги ошиб кетди. Бу борада барча чора-тадбирлар жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Натижада бу йил ўтган йилга нисбатан қарздорлик 25 фоиз камайишига эришилди. СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари Фахриддин Абдуғафоров ва Элмурод Мухаммадмуродов, Абдусаттор Умаров, ишчи Элдор Мамедов. Собиб ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ернинг эгаси эртага ким бўлади? МАҚСАД — МУНОСИБЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ

Бутун мамлакатда бўлганидек, бизнинг вилоятда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этишга кенг қўламада киришилди.

Авалло, вилоят ҳокимининг барча туманларда фермер ҳўжалиқларини белгилаган муддатда қонуний асосда ташкил этиш ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган дастурнинг ижроси ҳақидаги қарори жойларга етказилди. Ушбу қарорда вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, фермер ҳўжа-

ликлари уюшмаси вилоят вакиллиги, туманлар ҳокимликлари, шунингдек тарқатилётган ҳар бир ширкат ҳўжалигида тузилган қайта ташкил этиш комиссиялари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Айни кунларда мавжуд барча куч ва имкониятлар вилоятдаги 41 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ ҳўжалик ширкатла-

ЁНФИНГА ҚАРШИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Тошкент туманидаги ижтимоий ва иқтисодий коллежда «Ёнғин хавфсизлиги ойлари»га бағишлаб талабалар билан учрашув ўтказилди. Унда туман ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан ёнғин сабабли келиб чиқувчи бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин юз берган тақдирда киши ўзини қандай тутиши ҳусусида маълумот берилди. Ут ўчириш автоуловларидан, махсус асбоб-ускуналаридан фойдаланиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этилди.

«АЛАНГА» — ТАНЛОВ ФОЛИБИ

Юқоричириқ педагогика коллежида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, воғга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўтказилди. Ёшлар ҳаракатининг коллеж бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган ушбу танловда 60 нафар талаба йигит-қизлар ўзаро бахшланди. Танловнинг яқиний натижаларига кўра, 3-гуруҳ «Аланга» жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларга эса, 4-гуруҳнинг «Адолат», 1-гуруҳнинг «Нихол» жамоалари эга бўлишди. Фолиб ва иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Латифжон МАНСУРОВ.

Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимининг 2005 йил 16 декабрдаги 216-қарорига мувофиқ Зиёвиддин Кўчқорович Ниёзов вилоят ҳокимининг санаят, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал ҳўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Ушбу қарор халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқлаш учун киритилди.

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Зиёвиддин Кўчқорович НИЁЗОВ

1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек. Маълумоти олий, 1988 йилда Тошкент автомобил-йўллар институти кундузги бўлими ва 2004 йилда Тошкент кимё-технология институтининг сиртки бўлимини тугатган. Мутахассислиги — автомобиль транспорти эксплуатацияси муҳандиси, кимёгар-технолог. Техника фанлари номзоди. 1982-1988 йилларда Тошкент автомобил-йўллар институтида таҳсил олган. 1988-1989 йилларда ҳарбий хизмат вазифасини ўтаган. 1989-1991 йилларда Тошкент автомобиль-йўллар институтида иxtиروحчи ёрдамчиси вазифасида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1991-1994 йилларда — Тошкент Давлат техника университети аспиранти. 1994-1997 йилларда «Ўқимёсаноат» ассоциацияси транспорт бўлимида етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1997-2001 йилларда «Кимёсавдо-таъминот» ёнғин акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, 2001-2004 йилларда Чирчиқ шаҳридаги «Электромёсаноат» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари лавозимини ишлади. 2004 йилдан шу кунгача Олмалик шаҳридаги «Аммофос» очик акциядорлик жамияти раиси лавозиминида меҳнат қилиб келди. Халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгаши депутати. 2005 йил 15 декабрдан вилоят ҳокимининг санаят, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал ҳўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

кам маош олмайд. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш – бу бор доирадаги мақсад эмас, балки мақсад – педагогларнинг муносиб меҳнати-га оширилган ҳақ тўла-шини таъминлашдан иборатдир.

Нафақат бошқарув органлари раҳбарлари, балки республиканинг катта амалий тажрибага эга бўлган мақтаблари директорлари ва ўқитувчилари масалани муҳокама қилишда қатнашган мажлисда халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг меҳнати-га ҳақ тўлашининг жорий этилаётгани таъминлашнинг бир қатор принциплари ва муҳим ўстувор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи навбатда, **кўп қиррали тарбия жараёни ўқитувчининг диққат-эътибори марказида бўлиши кераклиги таъкидланди. Негаки, педагогнинг ўқувчи билан олиб борадиган синфдан ташқари ва тарбиявий ишлари натижалари жамиятда очқ-равшан кўриниб туради.** Шу муносабат билан методик марказлар ва кабинетлар, шунингдек уларнинг ходимлари ўқув жараёнида қотиб қолган қондага айлантирилганлиги, аксинча, ўқитувчиларнинг ўқув дастурини баён қилишга ижодий ёндашуви-га кўмаклашиши керак.

Ҳақ тўлашининг янги тизимида **Директор жамғармасидан ўқитувчиларнинг тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар белгилаш масалаларини ҳал этишда мактабларнинг мустақиллигини оширишга катта аҳамият берилган.** Ҳар бир умумтаълим мактабидан ота-оналар кўмитаси вакиллари кенг жалб этган ҳолда тузиладиган махсус комиссиялар ушбу ишларни назорат қилишни таъминлашга даъват этилгандир. Халқ таълимининг бошқаруш худудий органлари ушбу комиссиялар фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

Мажлисда халқ таълими тизими педагоглари ва бошқа ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлашининг янги тизими жорий этилиши ва иш ҳақи оширилиши улар меҳнатининг пировад натижалари учун улардан шахсий масъулиятни оширишни сўзсиз талаб қилиши таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири (Т.Жўраев):

« педагогларнинг билимлари ва педагогик маҳорати, шунингдек аниқ иш натижалари асосида баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда уларга малака тоифалари бериш механизмининг тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни;

« педагогларнинг самарадорлиги пасайган тақдирда уларнинг малака тоифасини пасайтириш механизмининг жорий этилиши;

« ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган

ҳодимлар қабул қилинишини назарда тутиб ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш – бу бор доирадаги мақсад эмас, балки мақсад – педагогларнинг муносиб меҳнати-га оширилган ҳақ тўла-шини таъминлашдан иборатдир.

Нафақат бошқарув органлари раҳбарлари, балки республиканинг катта амалий тажрибага эга бўлган мақтаблари директорлари ва ўқитувчилари масалани муҳокама қилишда қатнашган мажлисда халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг меҳнати-га ҳақ тўлашининг жорий этилаётгани таъминлашнинг бир қатор принциплари ва муҳим ўстувор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи навбатда, **кўп қиррали тарбия жараёни ўқитувчининг диққат-эътибори марказида бўлиши кераклиги таъкидланди. Негаки, педагогнинг ўқувчи билан олиб борадиган синфдан ташқари ва тарбиявий ишлари натижалари жамиятда очқ-равшан кўриниб туради.** Шу муносабат билан методик марказлар ва кабинетлар, шунингдек уларнинг ходимлари ўқув жараёнида қотиб қолган қондага айлантирилганлиги, аксинча, ўқитувчиларнинг ўқув дастурини баён қилишга ижодий ёндашуви-га кўмаклашиши керак.

Ҳақ тўлашининг янги тизимида **Директор жамғармасидан ўқитувчиларнинг тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар белгилаш масалаларини ҳал этишда мактабларнинг мустақиллигини оширишга катта аҳамият берилган.** Ҳар бир умумтаълим мактабидан ота-оналар кўмитаси вакиллари кенг жалб этган ҳолда тузиладиган махсус комиссиялар ушбу ишларни назорат қилишни таъминлашга даъват этилгандир. Халқ таълимининг бошқаруш худудий органлари ушбу комиссиялар фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

Мажлисда халқ таълими тизими педагоглари ва бошқа ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлашининг янги тизими жорий этилиши ва иш ҳақи оширилиши улар меҳнатининг пировад натижалари учун улардан шахсий масъулиятни оширишни сўзсиз талаб қилиши таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири (Т.Жўраев):

« педагогларнинг билимлари ва педагогик маҳорати, шунингдек аниқ иш натижалари асосида баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда уларга малака тоифалари бериш механизмининг тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни;

« педагогларнинг самарадорлиги пасайган тақдирда уларнинг малака тоифасини пасайтириш механизмининг жорий этилиши;

« ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган

ҳодимлар қабул қилинишини назарда тутиб ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш – бу бор доирадаги мақсад эмас, балки мақсад – педагогларнинг муносиб меҳнати-га оширилган ҳақ тўла-шини таъминлашдан иборатдир.

Нафақат бошқарув органлари раҳбарлари, балки республиканинг катта амалий тажрибага эга бўлган мақтаблари директорлари ва ўқитувчилари масалани муҳокама қилишда қатнашган мажлисда халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг меҳнати-га ҳақ тўлашининг жорий этилаётгани таъминлашнинг бир қатор принциплари ва муҳим ўстувор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи навбатда, **кўп қиррали тарбия жараёни ўқитувчининг диққат-эътибори марказида бўлиши кераклиги таъкидланди. Негаки, педагогнинг ўқувчи билан олиб борадиган синфдан ташқари ва тарбиявий ишлари натижалари жамиятда очқ-равшан кўриниб туради.** Шу муносабат билан методик марказлар ва кабинетлар, шунингдек уларнинг ходимлари ўқув жараёнида қотиб қолган қондага айлантирилганлиги, аксинча, ўқитувчиларнинг ўқув дастурини баён қилишга ижодий ёндашуви-га кўмаклашиши керак.

Ҳақ тўлашининг янги тизимида **Директор жамғармасидан ўқитувчиларнинг тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар белгилаш масалаларини ҳал этишда мактабларнинг мустақиллигини оширишга катта аҳамият берилган.** Ҳар бир умумтаълим мактабидан ота-оналар кўмитаси вакиллари кенг жалб этган ҳолда тузиладиган махсус комиссиялар ушбу ишларни назорат қилишни таъминлашга даъват этилгандир. Халқ таълимининг бошқаруш худудий органлари ушбу комиссиялар фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

Мажлисда халқ таълими тизими педагоглари ва бошқа ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлашининг янги тизими жорий этилиши ва иш ҳақи оширилиши улар меҳнатининг пировад натижалари учун улардан шахсий масъулиятни оширишни сўзсиз талаб қилиши таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири (Т.Жўраев):

« педагогларнинг билимлари ва педагогик маҳорати, шунингдек аниқ иш натижалари асосида баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда уларга малака тоифалари бериш механизмининг тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни;

« педагогларнинг самарадорлиги пасайган тақдирда уларнинг малака тоифасини пасайтириш механизмининг жорий этилиши;

« ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган

ҳодимлар қабул қилинишини назарда тутиб ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш – бу бор доирадаги мақсад эмас, балки мақсад – педагогларнинг муносиб меҳнати-га оширилган ҳақ тўла-шини таъминлашдан иборатдир.

Нафақат бошқарув органлари раҳбарлари, балки республиканинг катта амалий тажрибага эга бўлган мақтаблари директорлари ва ўқитувчилари масалани муҳокама қилишда қатнашган мажлисда халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг меҳнати-га ҳақ тўлашининг жорий этилаётгани таъминлашнинг бир қатор принциплари ва муҳим ўстувор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи навбатда, **кўп қиррали тарбия жараёни ўқитувчининг диққат-эътибори марказида бўлиши кераклиги таъкидланди. Негаки, педагогнинг ўқувчи билан олиб борадиган синфдан ташқари ва тарбиявий ишлари натижалари жамиятда очқ-равшан кўриниб туради.** Шу муносабат билан методик марказлар ва кабинетлар, шунингдек уларнинг ходимлари ўқув жараёнида қотиб қолган қондага айлантирилганлиги, аксинча, ўқитувчиларнинг ўқув дастурини баён қилишга ижодий ёндашуви-га кўмаклашиши керак.

Ҳақ тўлашининг янги тизимида **Директор жамғармасидан ўқитувчиларнинг тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар белгилаш масалаларини ҳал этишда мактабларнинг мустақиллигини оширишга катта аҳамият берилган.** Ҳар бир умумтаълим мактабидан ота-оналар кўмитаси вакиллари кенг жалб этган ҳолда тузиладиган махсус комиссиялар ушбу ишларни назорат қилишни таъминлашга даъват этилгандир. Халқ таълимининг бошқаруш худудий органлари ушбу комиссиялар фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

Мажлисда халқ таълими тизими педагоглари ва бошқа ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлашининг янги тизими жорий этилиши ва иш ҳақи оширилиши улар меҳнатининг пировад натижалари учун улардан шахсий масъулиятни оширишни сўзсиз талаб қилиши таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири (Т.Жўраев):

« педагогларнинг билимлари ва педагогик маҳорати, шунингдек аниқ иш натижалари асосида баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда уларга малака тоифалари бериш механизмининг тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни;

« педагогларнинг самарадорлиги пасайган тақдирда уларнинг малака тоифасини пасайтириш механизмининг жорий этилиши;

« ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган

Фармон ва ижро

ятлар яратилдики, улар текширишларни кескин қисқартириши, тадбиркорлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий ва оғишмай амал қилиниши учун мансбдор шахсларнинг жавобгарлиги кескин оширилишини кўзда тутади.

Утган икки ойдан кўпроқ мuddат мобайнида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи худудий комиссиямиз Фармон талабларини

чиқиб, текшириш ўтказилиши кўзда тутилган ҳар уч фирма, кичик корхона, фермер хўжалиги ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектдан бирини ана шу режа-жадвалдан чиқардик. Шуни қониқчи билан таъкидлаш мумкинки, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлмаган 120 та хўжалик субъектида ана шу текширувлар бекор қилинди.

— **Вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси йиғилишларида кўпинча текширишлар чоғидаги қонунбузи-**

ТАДБИРКОР ЭРКИН БЎЛГАНИ САРИ

амалга ошириш борасида бир қатор йўналишлар бўйича қизғин иш олиб борди. Аввало, биз Фармоннинг «сўзи ва ҳарфи» моҳиятини ижрочиларга муккамал етказишга катта эътибор қаратдик. Шаҳарлар ва туманларда ҳам текширишларни амалга оширувчи мансбдор шахслар, ишбилармонлар ва тадбиркорлар учун ўқувлар ташкил этдик. Бир қатор шахар ва туманларда ўтказилган кўргазмали ўқув-масгулотларда жойлардаги худудий мувофиқлаштирувчи комиссиялар раҳбарлари, назорат идоралари ходимлари, уч миңдан зиёд тадбиркорлар иштирок этишди. Бундай масгулот-урчашуларда текширишларни амалга оширишга доир жиддий масала ва муаммолар кўтарилди, давлат солиқ қўмитаси, ҳокимликлар ва бошқа идоралари раҳбарлари томонидан уларга тегишли ойдинлик киритилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг қўлидан чиққан **Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаш Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлашининг янги жорий этилаётган тизими ҳақида** ва **тўлиқ молиялаштирилиши таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкъланди.**

Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди. Масалаларни муҳокама қилишда Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Мирзаев, Наманган вилояти Наманган тумани халқ таълими бўлими мудири Т.Ҳасанов, Ўзбекистон Қаҳрамони – Тошкент шаҳридаги 273-сон мактаб директори М.Исмаилов, Қашқадарё вилоятининг Камаши туманидаги 51-сон мактаб директори Б.Жумақул, сенатор – Тошкент шаҳридаги иختисослаштирилган 50-сон ўрта мактаб директори С.Герасимова, Андижон вилояти Бадиқчи туманидаги 44-сон мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси И.Асқаров, Нукус шаҳридаги 9-сон мактабнинг математика ўқитувчиси Н.Лавриненко, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳридаги иختисослаштирилган 100-сон мактабнинг тарих ўқитувчиси Ш.Ботиров, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Сагиров, Жиззах вилояти Фориш тумани марказий касалхонаси бош вазири А.Бегиев, Тошкент шаҳар Мирзо Улукбек тумани худудий тиббиёт биросмаси бош вазири Б.Дадамжумедов, Қорақалпоғистон сил касалликлари касалхонаси бош вазири З.Тигай, Республика кўз клиник касалхонасининг бош вазири К.Валиева, Қўқон шаҳар турғўхона комплексининг бош вазири М.Умарова қатнашдилар.

Республика Ҳукумати мажлисида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

У.А.

лишлар, бундай нуқсонларга йўл қўйган мансбдор шахслар тилга олинди. Лекин кейинги йиғилишда иштирок этаётиб, яна шундай фактлар тилга олинаётганининг гувоҳи бўласиз. Хўжалик субъектлари фаолиятига ноқонун аралашушларга қатъиян барҳам бериш мумкинлигига ишонгингиз келмай қолади шундай ҳолатларда. Бу хусусда нима дея оласиз?

— Тўғри, кўпинча ишдаги бир хил камчиликларни такрор-такрор тилга олиш ҳолатлари йўқ эмас эди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари ҳам вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Назорат қилувчи органлар мансбдор шахсларнинг бундай хато ва камчиликларга йўл қўйишлари нисбатан, афсуски, кейинги йилларда амалий чоралар қўришга эътибор бермай қўйилган эди. Табиийки, шу каби нохуш ҳолатлар тадбиркорларнинг ишдан кўнгинлини соғутиб, кўпинча улар ўртасида лоқайдликни, ҳафсаласизликни кучайтирар, натижада кичик ва хусусий тадбиркорлик шахобчаларининг фаолияти тўхтаб қўйилишига ҳам сабаб бўларди. Бундай нохуш ҳолатларни вилоят иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида кузатиш мумкин эди. Давлатимиз раҳбари Фармонда белгиланган қоида ва янги меъёрулар бундай ноқонун аралашушларга мутлақо чек қўйди, айбдорлар учун амалий жазо чоралари қўрилишини таъминлайди.

Тўғри, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Аввало текшириш ўтказувчи мансбдор шахсларнинг ўзлари қонун талабларини пухта ўзлаштириб олишлари ва унга амал қилиш учун жавобгарлигини тўла ҳис қилишлари зарур. Шу мақсадда


МЕҲНАТ МУҲОҒАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда аҳолининг хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқларига эга эканлиги Асосий қомусимиз — Ўзбекистон Конституциясида алоҳида қайд қилинган.

Шунга қарамай, касб касалликлари ва жароҳатланиш билан боғлиқ бўлган ҳодисалар давом этмоқда. «Экосан» халқаро ташкилоти ушбу муқома ва масалаларни муҳокама қилиш, керакли тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этган конференция «Қурилиш комплексининг ишчиларининг меҳнати ва саломатлигининг хавфсизлиги» мавзусига бағишланди. Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида бўлиб ўтган бу тадбирда қатор бинокорлик материаллари корхоналари ва қурилиш ташкилотлари, бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, тегишли касба уюшмалари вакиллари қатнашдилар. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб бердилар.

У.А.

Бунёдкорларимиз



Тендер комиссиясида «ишлайдиган қурувчилар» деган атама бор. «Бинокор қурилиш таъминот» хусусий корхонаси қурилиш ва таъмирлаш ишларини ҳам тез, ҳам сифатли бажариши билан вилоят ҳокимлиги қошидаги тендер комиссияси ҳамда мижозларнинг ишончини қозонган.

У 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан вилоят ҳокимлиги бюрoтмалари асосида ҳамда яқка тартибдаги хусусий қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилади. Дастлабки йилларда корхона ёрдамчи қурилиш ташкилоти сифатида иш бoшлади. Кейинчалик эса мустақил фаолият кўрсатиб, пойтахтдаги ва вилоятимиздаги бир қатор маданий ва маиший объектларни қуриб, фойдаланишга топширди. Ишдаги сифат ва унинг йўқорилиши корхона мижозлари аста-секин қўлайлигига сабаб бўлди. Айна кунда «Бинокор қурилиш таъминот» нафақат вилоят ёки пойтахтда балки, республикада иқтисодий бакуват ҳамда иш унуми ва сифати юқори ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли қурилиш объектлари бўйича ўтказилган тендер савдоларининг кўпиде ютиб чиқиди ва мижозлар ишон-

ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

экскаватори, 1 та КаМАЗ русумли узун прицепли юк машинаси ва бошқа қатор техникалар қурувчиларимизнинг асосий иш қуролига айланган. Бугунги кунда корхонада дурадгорлик, пайвандлаш ва шлакбоқ қўйиш цехлари ва омборхона фаолият кўрсатмоқда. Катта ҳажмдаги қурилиш ашёлари ишдаги ириқ корхоналардан харид қилинади. Хусусан, «Узметкомбинат», «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент» ва бошқа корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айна кунда корхонанинг 300 кишидан зиёд жамоаси бир қатор катта-кичик объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бoрмоқда. Жумладан, Янгийўл туманидаги Халқабод ширкат хўжалигига қишлоқ хўжалик касб-ҳуна қоллежи биноси қурилиши аяқланмоқда. Бу ерда иш икки сменда ташкил этилиб, мўлжалдаги 1 миллирдан 469 миллион сўмлик маблағ қисқа фурсатда ўзлаштирилмоқда.

Ил аяқундан «Бинокор қурилиш таъминот» корхонасида ҳам сарҳисоб даври бошланган. Жамоа томонидан 2005 йил давомида қарийб 2,5 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. — Иш жамоага янги ишчи қабул қилаётганимизда аввало уларни тартиб интизомга қай даражада риоя этишларига эътибор қаратамиз, — дейди Баҳодир Хайитбоев. — Улар қисқа фурсатли синов мuddатини ўтайдилар. Шунда барчаси аён бўлади. Маошини ҳалоллаш оладиган тиришқок кишиларгина жамоамиз аъзоси бўлади. Бармаглари ургатами, тилгайлашми. Ютуқларимизнинг бор омили балки ана шу ишончлик ва иноқликдир.

Келгуси режаларимиз улкан. Янги иш ўринлари ташкил этиш ниятларимиз бор. Бундан ташқари вилоятимиз ва пойтахтда бунёд этиладиган улкан қурилишларда иштирок этмоқчимиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Ернинг эгаси эртага ким бўлади?

Президенти ҳамда вилоят ҳокимининг ушбу долзарб масаласига оид қарорлари қандай бажарилаётгани билан яқиндан танишиш мақсадида «Ўзбекистон» ширкат хўжалигига бўлди. Маълумки, «Ўзбекистон» нафақат туман, балки вилоятдаги энг йирик пахта ва галла етиштириш шартнома режаларини бажаришининг ўзи бўлмайди. Бу йилги мавсумда гектардан бoр-йўғи 18 центнердан галла, 30 центнердан сал ортиқроқ пахта ҳосили олинган ҳам шундан далолат бериб туради.

Таъкидлаш жоизки, қайта таш-

кил этиш комиссияси олдидан катта ва масъулиятли вазифа турибди. Мақсад истиқболсиз хўжаликни туғатиш ва унинг ерларини янги фермерларга шунчаки тақсимлаб беришдан иборат эмас. Балки, ушбу унумдор ерларни ҳақиқий эгаларига топшириб, деҳқончилик ишларини мукамал йўлга қўйиш, ҳосилдорликни ошириш ва иқтисодий салохиятини мустаҳкамлашдир.

Масаланинг шу муҳим жиҳатларини ҳисобга олган комиссия биринчи қалда тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтирди. Серқатот кўчаларга, аҳоли гажум жойларга эълонлар ёпиштирилди. Туман телевидениеси ва газетасида шу мавзуга бағишланган кетма-кет чиқишлар қилинди. Мутахассислар иштирокида қатор семинарлар уюштирилди. Ушбу ташкилий ишларнинг самараси ўларoқ бугунги кунгача 118 нафар талабгордан ариза туш-

ди. Аслида эса хўжалик ерларини бўлажак фермерларга тақсимлаб бериш бўйича 46 та лoйиҳа ишлаб чиқилган эди. Бошқача қилиб айтилганда, умумий ер майдонининг 1314 гектариде пахта, 830 гектариде галла етиштириш учун жами 46 та янги фермер хўжалиги ташкил этиш режалаштирилганди.

Қайта ташкил этиш комиссиясининг турли касб эгалари ва мутахассислардан иборат 20 нафар аъзолари шу кунларда вақт билан ҳисоблашмай, меҳнат қилмоқдалар. Улар талабгорлардан тушаётган ҳар бир аризани синчковлик билан кўздан кечириб, фермерликка даъвогарлик қилаётганларнинг касби, иш стажлари, малакаси каби жиҳатларини алоҳида ўрганиб, энг муносибларни танлаб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз ҳам комиссия номига тушган ариза ва ҳужжатларни кўздан кечирар эканмиз, ахсарият талаб-

горлар узoқ йил қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган, ижара ва оила пудрати усулларини яқши ўзлаштирган маҳаллий аҳоли вакиллари эканлигига гувоҳ бўлдик. Биргина мисол, Мамажон Гафуров меҳанизаторлик соҳасида 37 йиллик иш тажрибасига эга. Деҳқончиликни, хусусан, пахтачилик соҳасини чукур билади. Талабгорлар орасида бундай тажрибакорлар кўп. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, тўплаган баллари тенг келиб қолган тақдирда аввало устунлиқни қишлоқ хўжалиги соҳасида энг қатъий тажрибага эга бўлган маҳаллий талабгорларга бериш мақсада мувофиқдир.

— Талабгорларнинг оилавий шарт-шaroитлари, мол-мулки, техника воситалари бор-йўқлиги, молиявий-иқтисодий аҳоли, маълумоти, иқтисослиги каби жиҳатларида алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди қайта ташкил этиш комиссияси котиби Ақром Тоиров. — Мақсадимиз — ерни ҳақиқий эгасига топшириш, бунинг учун ер билан тиллаша оладиганларни танлаш, адолат ва ошқораликни таъминлаш.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 7 columns: DUŞANBA 19, ŞEŞANBA 20, ÇORŞANBA 21, PAIŞANBA 22, JUMA 23, ŞANBA 24, YAŞANBA 25. Each column lists TV programs and their start times for the respective day.

Ташкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси танлов эълон қилади. Қўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» Сизларни 2006 йил 17 январь соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Общество с ограниченной ответственностью «KARYERA TRADING LAND» Мирзо-Улугбекского района города Ташкента сообщает о смене фирменного наименования с ООО «KARYERA TRADING LAND» на ООО «CAREER BUSINESS TRAINING».

• Sport • Sport • Sport • Sport • • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • • Sport • Sport

Ўйлаб Толмаган Ҳикоялар

ОИЛА - УЛУФ, ХОНАДОН - МУҚАДДАС

ДАВОСИЗ ДАРД

Ўзбекистон «тўй тўйга улансин» дея ният қилишда ҳикмат кўп. Ҳеч бир хонадонда аза азага уланмасин экан. Афсуски, ёлғиз фарзанднинг ўйламай қолган биргина ноҳақия шиддан сўнг қишлоқда яшиғина обрў-этиборга эга бўлган Қумгонбонинг хонадонидан кетма-кет ўлимлар қўлангаси аримай қолди.

Ўй, Самандарни «ноқобил фарзанд»га чиқариш инсофдан бўлмади. Негаки, уни бутун қишлоқ ҳурмат қиларди. Биринчидан, жуда хушфелъ, муомалали, одам-оҳун эди. Бировагача қанчон қаттиқ гапирмасди, кўзлари доимо қулиб турарди. Шундай одамнинг ўз отасига қўл кўтарганига кишининг ишонгиси келмайдди.

Иккинчидан, Самандар қўли гул уста эди. Тиним билмай ишларди. Ҳатто, киш соғувчида ҳам лой чангаллашини қўймасди. Қишлоқдаги уйлари ақсариятида унинг панжа излари қолган. Қўпроқ камбағалларга, ноҳорларга қайишарди. Иморатларини насиягача ҳам тиклаб бераверарди. Шундай одамнинг ўз отасига қўл кўтариши...

Аммо, бўлар иш бўлганди. Бу хонадонга ёғилган балозақо Қумгонбонинг ўлими билангина тугамади. Қишлоқ аҳлининг таъбири билан айтганда, бобонинг қазосидан сўнг оила тутдек тўкилди. Чолининг йиллик маърақаси ўтар-ўтмас, сўтчи момо ҳам бу дунёнинг ташвишларидан абадий кўз юмиб кетди. О-о, қандай меҳнаткаш, беозор кампир эди! Ҳафтагиса етти кун ярим тунда туриб, 20 литр сўтки елкасига ортомқлаб, Суткиёз бозорига қатнашини қанда қилмасди. Хар қуни елкада йигирма килограмм юк билан йигирма чақирим жойга пивда бориб-келиш фақат айтишга осон. Ҳа, рўзгор ташвишининг бир қисмини ўз зиммасига олганди кампир.

Чол-кампир-ку, майли, улар ёшларини яшаб, ошларини ошашган, лекин сўтчи момонинг қирқи ўтмай, 22 ёшли, яъни ўйланадиган навқирон йигитнинг тўсатдан вафот этиши оила учун чинакам фожа бўлди. Бутун қишлоқ бу хунук воқеадан куюнди. У Самандарнинг тўрт-бешта қиз орасида тинлаб олган ўғли эди. (Кейинги йилларда яна бир ўғил кўрдди). Аллақайси институтнинг (йиллар ўтиб ёдимдан кўтарилибди) иккинчи курсида ўқирди. Шифокорларнинг айтишича, тўсатдан юз берган юрак хуружи ҳийла кучли бўлиб, эплашининг иложи сира йўқ экан.

Нима бўлганда ҳам Самандарга жабр бўлди. Икки йилнинг нари берисидан унга ўлик қўмиш ҳар қандай иродали кишига ҳам оғирлик қилади. Аммо, Самандар аламини меҳнатдан олишга ёки гам-андухдан ўзини шу йўл билан овуттишга ҳаракат қилди. Инсофли уста бўлгани боис, илтимос қилувчилар кўп бўлиб, ҳатто, навбат кутиб туришарди.

Афсуски, дарду гам кучли бўлса, қийин экан. Меҳнат билан овунолмаган уста

энди дурустқор таскин излай бошлади. Умрида ичкиликнинг яқинига йўламаган одам шу тариқа оз-оз вино ичишни одат қилди. Бундан хабар толган тенгқурлари тўй-ҳашамларда шунчаки кўнглини кўтариш мақсадида уни сийлашга ҳаракат қилишарди. Бироқ, ҳеч ким уни ортиқча кистамасди, ароқни-ку, умуман, тавсия қилишмасди. Устанинг ўзи ҳам ароқни қатъий рад этарди.

«Аламини ичкиликдан олиш» бор нарсаси. Аммо Самандарнинг йўриғи бошқа эди. У ўзини овуттиш учунгина оз-оз ичиб турарди, холос. Қарангки, қисқа вақт ичида энг яқин кишиларини ерга қўйган одамга ичкилик ҳам таскин беролмас экан. Самандар гулдэк касби — гишт терувчилардан аста-секин соғув, бутунлай йиғиштириб қўйди. Отаси сингари томорқасида қўймаланишни одат қилди. Лекин, кўп ўтмай, бу юмуш ҳам кўнглига сиймай қолди. Хуллас, ўғлининг йиллик маърақасини ўтказганидан сўнг одамлар салом-алиқ қилиб, хол-аҳвол сўрашса ҳам кўз-ёши қиладиган одат чиқарди-ю, шундан кейин ҳеч қанча яшамади...

Қишлоқ аҳли уста Самандарни ҳам «яши одам» дея сўнгги йўлга қузатди. Ўзбекчилик экан-да, бўлмаса, ўз отасига қўл кўтарган фарзандни ҳам...

Энди хонадонда Зумрад янча буй этиб-етмаган бир этак қизлари билан қолди. Аммо, оилага кўз тиккан қазо балоси ҳали тугамаган экан. Она қандайдир оғир хасталикка чалинди. Ана шу тузалмас дард охир-оқибат Зумрад янгани ҳам олиб кетди.

Бу аёлнинг феъл-атвори хуусида узил-кесил бир фикр айтиш қийин, қолаверса, менинг бунга ҳаққим ҳам йўқ. Чунки, бу воқеалар содир бўлган пайтда мен катта ҳаётга эндигина қадам қўяётган, ҳали кўп нарсани чуқур идрок қилолмайдиган ёшда эдим. Фақат шунга айтишни мумкинки, бу қўхликка аёл жуда уятчан эди, одамнинг кўзига тик қарамасди, биров билан гаплашаётганда ҳам ийманиб турарди. Хар ҳолда менинг кўз олдимда шундай тасавурда қолган у.

«Уй бекаси» деган таъриф бу аёлга жуда мос тўшади. Негаки, кўча-қўйга ҳуда-беҳуда чиқавермасди, кўни-қўшиларикига ҳам фақат зарурат юзасидан кирарди. Уни уй юмушидан бошқа иш билан шуғулланганини ҳеч ким билмасди. Уша пайтларда тонг гира-ширасида далада занг чалиниб, қишлоқнинг меҳнатга яроқли эркакга аёли ишга отланганда ҳам Зумрад янча уйда қоларди. Умуман, бирор кун далада ишламаган. Ҳатто, «қамчисидан қон томган» рақбарлар ҳам уни далага чиқаролмаган.

Хайриятки, Зумрад янгадан сўнг бу хонадондан фалокат ариб, хурсандчилик дориди. Ҳозир қизлар ўз бахтларини топиб кетишган. Уста Самандарнинг кенжа ўғли бола-чақали бўлиб, ота-оналарининг чирогини ёқиб ўтирибди.

Эсон ШУКУР.

Энди хонадонда Зумрад янча буй этиб-етмаган бир этак қизлари билан қолди. Аммо, оилага кўз тиккан қазо балоси ҳали тугамаган экан. Она қандайдир оғир хасталикка чалинди. Ана шу тузалмас дард охир-оқибат Зумрад янгани ҳам олиб кетди.

Бу аёлнинг феъл-атвори хуусида узил-кесил бир фикр айтиш қийин, қолаверса, менинг бунга ҳаққим ҳам йўқ. Чунки, бу воқеалар содир бўлган пайтда мен катта ҳаётга эндигина қадам қўяётган, ҳали кўп нарсани чуқур идрок қилолмайдиган ёшда эдим. Фақат шунга айтишни мумкинки, бу қўхликка аёл жуда уятчан эди, одамнинг кўзига тик қарамасди, биров билан гаплашаётганда ҳам ийманиб турарди. Хар ҳолда менинг кўз олдимда шундай тасавурда қолган у.

«Уй бекаси» деган таъриф бу аёлга жуда мос тўшади. Негаки, кўча-қўйга ҳуда-беҳуда чиқавермасди, кўни-қўшиларикига ҳам фақат зарурат юзасидан кирарди. Уни уй юмушидан бошқа иш билан шуғулланганини ҳеч ким билмасди. Уша пайтларда тонг гира-ширасида далада занг чалиниб, қишлоқнинг меҳнатга яроқли эркакга аёли ишга отланганда ҳам Зумрад янча уйда қоларди. Умуман, бирор кун далада ишламаган. Ҳатто, «қамчисидан қон томган» рақбарлар ҳам уни далага чиқаролмаган.

Хайриятки, Зумрад янгадан сўнг бу хонадондан фалокат ариб, хурсандчилик дориди. Ҳозир қизлар ўз бахтларини топиб кетишган. Уста Самандарнинг кенжа ўғли бола-чақали бўлиб, ота-оналарининг чирогини ёқиб ўтирибди.

Эсон ШУКУР.

МАЙДОНДА – ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАР!



Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида хотин-қизлар ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон II чемпионатининг биринчи тур беллашувлари қизгин давом этмоқда.

Сақизта жамоа иштирок этаётган мусобақанинг тўртинчи кунда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Олимп-Югналик" жамоаси мавсумдаги дастлабки галабасини нишонлади. Кетма-кет тўрт учрашувда мағлубиятга учраган тошкентлик футболчилар Жиззанин «Зейкор» жамоасига қарши баҳсда 5:3 ҳисобида зафар қўчди ва уч очкога эга бўлди.

Чемпионатнинг икки етакчи жамоаси – «Андижанка» (Андижон) ва «Севинч» (Қарши) вакиллари бешинчи учрашувда ҳам йирик ҳисобда галаба қозонди. Андижонлик футболчи қизлар Сирдарёнинг «Оқ олтин» жамоаси посбонини ўн икки маротаба ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга

мажбур қилди. «Оқ олтин» футболчилари харчанд ҳаракат қилмасин водийликлар дарвозасига жавоб тўпини кирита олмади. Бу мавсумда бронза медалга эриш учун курашаётган Самарқанднинг «Шердор» жамоаси амалдаги чемпион – «Севинч»га етарли қаршилиқ кўрсатолмади. Мусобақада энг кучли ҳимояга эга бўлган қашқадарёлик чарм тўп усталари рақиб дарвозасига жавобсиз ўнча тўп йўллади.

«Шердор»нинг очко йўқотиши учинчи ўрин учун бўлган баҳсда самарқандликларнинг асосий рақобатчиси – «Строитель»га (Зарафшон) қўл келди. Зарафшонликлар яна бир аутсайдер жамоа – «Ешлик» (Бухоро) билан баҳсда қийинчиликсиз галабага эришди – 10:1.

Мусобақа жадалда бештадан учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган «Андижанка» ва «Севинч» футболчилари пешқадамлик қилмоқда. Очколари ҳисобини 9 тага етказган «Строитель» жамоаси эса учинчи поғонага кўтарилиб олди.

Ў.А.

Фигуралӣ учиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари келаси йилнинг 10-28 февраль кунлари Италиянинг Турин шаҳрида бўладиган қишки Олимпиада ўйинларида қизгин тайёргарлик кўриш мақсадида нуфузли халқаро турнирларда фаол иштирок этмоқда.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Юртимиз фигуралӣ учиш усталари Россиянинг Санкт-Петербург ва Япониянинг Осака шаҳрида Гран-при туркумига кирувчи турнирларда муваффақиятли катнашди.

Санкт-Петербургдаги халқаро мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Гимазетдинова яққил беллашувларида мусобақанинг финал босқичига йўлланма олди ва олтинчи ўринни эгаллади.

Гран-прининг Осакада ўтказилган сўнгги босқичда жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда катнашган Марина Аганина ва Артём Князев дуэти олтинчи натижани қайд этди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
Ў.А.

Сидней Жаксон хотирасига бағишланди

Сидней Жаксон номи юртимиз бокс муҳлисарига яхши таниш. Маълумки, Ўзбекистон бокс мактаби яратилишининг бошида турган таниқли бокс устаси ва мураббининг хотирасига бағишлаб мамлакатимизда қатор мусобақалар ўтказиб келинади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий С.Жаксоннинг хотираси Исроилда ҳам қадрланади. Ҳақинда Куддус шаҳрида Сидней Жаксон хотирасига бағишланган Куддус мэри кубоги хотира турнири бўлиб ўтди. Уни шаҳар маъмурияти ҳамда Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонаси кўмағида

тошкентлик собиқ юртдошларимиз, хизмат кўрсатган спорт усталари ака-ука Эли ва Григорий Люксембург ташкил этдилар. Мусобақада Исроилнинг сақизта шаҳридан келган 46 нафар боксчи катнашди. Мусобақа голиблари махсус совринлар, иштирокчиларга эсдалик совгалари топширилди.

«Жаҳон АА».

Сиз нима дейсиз?

Инсон ҳаёт сўқмоқларидан ўтиб борар экан, турли тоифадаги инсонларни кўриб, айримларнинг эзгу ишларига ҳавас қилса, бошқаларнинг ноурин, ноҳақ ҳаракатларидан афсусланади ва ҳатто, нафратланади.

Авалло, кишининг маънавияти, яъни ички дунёси гўзал бўлиши лозим. Узининг қадрини билган киши бировнинг ҳам қадрига етмай, «Истар бўлсанг қадри, билгин биров қадрини» деган мақолани эслаб, орамизда қадр-қиммат нима эканлигини билмайдиган ин-

зор дилдан куюниб сўзлайди:

— Болам ҳаёти мендан сўнг қай ҳолда кечар экан? Ҳозир ёш, қариганда бола-чақа керак бўлади-ку. Жиянлари келишса, ёқтирмайди. Ахир улар менинг сукули набираларим. Хафа бўлиб кетишмасмикин, деб куюнаман.

Яқинда ойнам жаҳонда она меҳри ҳақидаги телекўрсатувни томоша қилдим. Ҳаётимизда учраб турадиган айрим бе-мехр ҳамда тотув оилалар ҳақида фикр юритилди. Юраги безиллаб қолган, меҳр бериб меҳр ололмаган, бетавфиқ

БИР УЯДАН ҲАМ БУЛБУЛ, ҲАМ ҚАРҚУНОҚ

сонлар борлигига ачинаман. Мен бир онанинг тақдир билан танишиб, ниҳоятда аччидим.

— 10 нафар фарзандим бор, 9 нафари уйли-жойли, — дейди у. — Ҳаммасининг қўлида ҳунари бор. Келиб-кетиб, ҳолимдан хабар олиб туришадилар, хурматини жойига қўйишади. Лекин гуруч қурмакисиз бўлмагандек, кенжа ўғлим бемаъна чикди. Икки марта уйланди. Биринчи хотинидан икки, иккинчисидан бир боласи бор. Хотинининг қадрига етмайди, сўқиниш, уришини қўймайди. Хотинларнинг иккисини ҳам ўзи ҳайдаб юборган. Галпимга қирмади. Мен сизга айтсам, қариган чоғимда, 75 ёшимда ҳўрликка учрадим. Ишонсангиз, уйга битта нон кўтариб келмайди. Нафақа пулимини тиричиликка ишлатиб тураман. Электр, сув, газга тўлай

насиҳат қилишди, кор қилмади. Уларни ҳам сўқиб, жанжал кўтарди. Бундай жанжаллардан тўйиб кетдим.

Катта ўғлим: «Ойи, сизни олиб кетай, биз билан яшайсиз» деди. Менинг ҳовли-жойим чолимдан қолган. Қўзим қиймади. Ҳамма фарзандларимга бирдек меҳр берарим. Аммо чолим бор вақтида ҳам бу бола шундай эди. Отасининг кўзига тик қарарди. Уни ҳам сўқарди. Отаси ундан норози бўлиб кетган.

Ҳамма фарзандларимдан розиман, ўсишини, унишини, лекин битта шуниси мени қийнапти.

Онанинг сўзларини тинглаб, менинг ҳам қалбим ларзага келди.

Битта ёмоннинг қасрига бутун оила аъзоларини, яъни ака-ука, опа-сингилларнинг ҳаловати йўқлиб, обрў-этиборига пугур етмоқда. Онаи-

ўғлидан юраклари адо бўлган онанинг изтиробли қиёфаси яна кўз олдимга келди.

Меҳр чўғи қалбимда қуйлаб турган тор эди. Онанин йўқотганлар Изларига зор эди.

Яшнаган меҳрим боғин, Ер билан эдинг яқсон. Ким бўлур энди сенга Онангчилик меҳрибон.

Майли, бир кун келиб Онанг қадри биларсан, Виждон азобин чекиб, Ўз қалбингни тиларсан.

Бола тарбияси ниҳоятда мураккаб. Бу ишга аввало оилада, сўнгра боғча ва мактабда, қолаверса, барча жамоат ташкилотларида ҳам катта эътибор берилиши зарур.

Замира ЮСУПОВА,
тил ва адабиёт ўқитувчиси.
Пскент.


Бекажон

Думбул шўрва

Керакли махсулотлар: 4-5 дона маккажўхори сўтаси; 300 гр. гўшт; 100 гр. қўй ёғи; 2 бош пивёз; 2-3 дона помидор; 4-5 дона картошка; жамбил; туз; қалампир ва ошқўқ (таъбга кўра).

Тайёрланиши: Маккажўхори сўтасининг доналари думбул ҳолидагилардан олиб, пўстлоғидан ажратилади. Хар бир сўтани 2-3 га бўлиб, чайқаб юборилганидан сўнг совуқ сувга солиб қайнатилади. Сувни тўкиб ташланади. Шунда маканиннг ўзига ҳос ҳиди кетади.

Қозонга 3 литр сув қуйиб, думбул солинади ва ёғлироқ гўшт билан бир-я 1 соат давомида бир текисда қайнатилади. Унга яна 100 граммча қўй ёғини майда тўғраб, бир шохча жамбил билан бирга солинади. Ҳосил




бўлган кўпик олинди, халқа-халқа тўғралган пивёз ва помидор қўшилади. Пишишига 20 дақиқа қолганида картошка солинади. Тузи таом батамом пишигандан сўнггина ростланади. Дастурхонга тортишда хар қосага икки бўлак думбул, бир бўлак гўшт ва 1 бўлак картошка солиб, устидан шўрваси қуйилади. Юзига тўғралган қашини ёки райхон барглари билан солинади.

Олчали бўрсилдоқ

Керакли масалликлар: 300 гр. олча мураббоси; 3 та тухум; 75 гр. ванилин; 1 ош қошиқ лимон цедраси; 75 гр. ун; 25 гр. крахмал; озгина шакар; 3 дона оқ ва пушти рангли беклар; 3 ош қошиқ смородинали желе.

Тайёрланиши: 1. 20 дона бўрсилдоқ учун аввалла 20 дона олча мураббосидан ажратинг. 3 та тухум оқини 75 гр. ванилин билан яхшилаб кўпиртиринг. 3 та тухум саригини 1 ош қошиқ лимон цедраси билан кўпиртиринг. Тухум саригига ун, крахмал ва озгина шакар қўшилади, сўнгра аралаштирилади.

2. Газ печи 200 даражага иситилди.



сиқликда қиздирилади. Масалликка кўпиртирилган тухум оқи ва озгина мураббо қўйилади. Майда қолпаклар ҳамир билан тўлдирилади ва 15 дақиқа давомида пиширилади. 3. 3 та оқ ва пушти ранг бизелар майдаланади. Сўнгра 3 ош қошиқ смородинали желе қиздирилади ва олча доналари ботириб олинади. Тезликда бўрсилдоқнинг устига қуйилиб, кейин майдаланган оқ ва пушти бизе сепилади.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p>	<p>Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</p>	<p>Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълолар: 133-58-85, 136-53-54.</p>	<p>Мазмуни: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида тариқди ва сақланган.</p>	<p>• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.</p>
---	--	--	---	--	---	---